

## ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИ БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Хайдаров Амир Уктамович**

ИИБ Академияси магистранти, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10553919>

XXI асрда мафкуравий кураш усул ва воситалари илгариги қабул қилинган қонун-қоидалардан тубдан фарқ қилади. Чунки олдин кенг жамоатчилик ананавий равишда оммавий ахборот воситалари (телевидения, газета, радио) орқали таъсир қилинган бўлса, ҳозирги кунда фуқаролар зарурий ахборотларни олишда Интернет тармоқларидан фойдаланишади. Яъни, жамиятнинг бу қатлами учун оммавий ахборот воситаларига нисбатан асосий ахборот мухути Интернет ҳисобланади. Шунинг учун компьютер мутахасислари, кенг аудиторияга эга ҳамда кўп кузатувчилари мавжуд блогерлар ва тармоқда (Facebook, Instagram, Tik tok, Telegram ва ҳ.к) ўз саҳифаларига эга бўлган шахслар билан Интернет тармоқлари орқали профилактик-огоҳлантирув ишларини кўпроқ олиб бориш юзасидан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйса мантиқан тўғри бўлади. Бунда киберхавфсизлик юзасидан адабийча фикрлашдан қочиб фуқаролар онгига оддий ва содда усулда, инсон онгига тез таъсир ўтказувчи воситалардан фойдаланган ҳолда етказилса фойдадан ҳоли бўлмайди<sup>1</sup>

Шунингдек, ҳозирги кунда илгари судланган шахслар томонидан такроран ўғрилиқ жиноятининг содир этилишига профилактика инспекторлари ва пробацция хизматлари томонидан ички ишлар органлари профилактик ҳисобида ёки пробацция ҳисобида турган шахслар устидан назоратнинг тўлиқ таъминланмаганлиги ва профилактик ишларнинг етарлича олиб борилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда<sup>2</sup>.

Баъзи тадқиқотчилар “илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ёки жазони ўтаган пайтидан бошлаб катта ижтимоий хавф туғдирадиган вақтни қўйиш ижтимоий баҳони расмий баҳолаш йўлига киришини англатади, бу эса совет жиноят ҳуқуқи принципларига зид”<sup>3</sup> деб ҳисоблашган.

<sup>1</sup> Ҳасанов Ш. Ички ишлар органларини киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни олдини олиш профилактикаси //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 154-161.

<sup>2</sup> Зиёдуллаев М. З. и др. Хоразм вилоятида ўғрилиқ жиноятларининг бугунги ҳолати ва уларнинг барвақт олдини олиш йўллари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 4-8.

<sup>3</sup> Энциклопедия государства и права. Т. 3. – М.: МГУ, 1930. – С. 540.

Ўтган асрнинг 30-йилларда рецидив жиноят тушунчаси Жиноят қонунининг асосий қўлланмасидан чиқариб ташланди. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилганлар ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашга эътибор берилмаганлигини англатмайди. Масалан, 1926 йилдаги ЎзССР Жиноят кодексига қасддан одам ўлдириш ёки баданга жароҳат етказиш учун илгари судланган ва суд томонидан тайинланган ижтимоий ҳимоя чорасини ўтаган шахс томонидан қасддан одам ўлдиришига кучайтирилган жиноий жавобгарлик назарда тутилган (136-модда, б-банди). Шунинг учун ҳам Жиноят кодексига пора олганлик учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида илгари пора учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги тан олинган (117-модданинг 2-қисми)<sup>4</sup>. Масалан, Б.С. Утевский рецидив жиноятни “жиноятчи томонидан илгари судланганлиги ёки жазони ўтаганлиги ёхуд ўтамаганлигидан қатъи назар, жиноятни такроран содир этиши”<sup>5</sup> сифатида кўрган.

Шунингдек, бу даврда вилоятда қайд этилган ўғрилиқ жиноятларнинг 25 таси (25,5 %) илгари судланган шахслар томонидан содир этилган бўлса, бу жиноятларнинг 15 таси (15,3 %) гуруҳ таркибида содир этилган.<sup>6</sup>

Бу тоифадаги шахсларга нисбатан суд томонидан белгиланган жиноий жазони ўтаб бўлгандан кейинги даврда ҳам уларни турмушда ижтимоий мослаштириш, уларда қонунга иттифоқ ҳуқуқ-атвори, инсонга, меҳнатга, жамият турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш мақсадида ички ишлар органлари томонидан муайян даражадаги профилактик ишлари олиб борилиши тақозо этилади<sup>7</sup>. Бироқ бугунги кунда «илгари судланган шахс» тушунчасига Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши билан муайян даражада аниқлик киритилди<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Қурбонов Ш. Рецидив жиноятнинг асосий тушунчалари ва мазмуни // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 9/S. – С. 90-104.

<sup>5</sup> Утевский Б.С. Преступность и рецидив // Современная преступность (преступление, пол, репрессия, рецидив). – М.: МГУ, 1927. – С. 32.

<sup>6</sup> Зиёдуллаев М. З. и др. Хоразм вилоятида ўғрилиқ жиноятларининг бугунги ҳолати ва уларнинг барвақт олдини олиш йўллари // Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 4-8.

<sup>7</sup> Юридический словарь. – М., 2005. – С.539.

<sup>8</sup> Назаров Н. М. Ички ишлар органларининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш // siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 71-76.

Хусусан, қонуннинг 25-моддасида илгари судланган ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари амалга ошириладиган шахслар тоифаси сифатида жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жазони ўташдан озод қилинган шахслар тоифаси кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан илгари судланган шахс сифатида юқоридаги уч тоифа шахсларни келтириш мақсадга мувофиқ. Профилактика хизматлари мазкур тоифа шахсларнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ҳамда жазони ўташдан озод қилинган шахслар билан профилактик ишларни амалга оширади. Шундан келиб чиқиб, профилактика хизматининг илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси фаолияти (объекти) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ҳамда жазони ўташдан озод қилинган шахслар ўртасида профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади десак тўғрироқдир.

Илгари судланган шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш учун шахснинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасида кўрсатилган судланганлик муддати тугалланмаган бўлиши лозим. Маъмурий назорат ўрнатиш мумкинлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда: Илгари судланган шахслар: 1. Жазони ўтаб чиққан илгари судланганлар:

маъмурий назоратдагилар;

маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахслар;

маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушмайдиганлар.

Маъмурий назоратда турган илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш профилактика инспекторларига алоҳида масъулият юклайди. Чунки, мазкур тоифа шахслар ҳуқуқбузарликни содир этиш эҳтимоли бошқа тоифаларга қараганда юқорироқ бўлади. Шунинг учун улар билан профилактика ишларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш айрим тоифадаги шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назоратини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатига асосан амалга оширилади

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги келтирилган тоифадаги илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги йўналишгарга ажратиб кўрсатиш мумкин:

Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар ўртасида (бевосита ўзи) профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш фаолияти;

Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар ўртасида (бириктирилган маъмурий ҳудудда) ҳамкорликда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш фаолияти:

жазони ижро этиш муассасалари билан ҳамкорликда профилактик чораларни амалга ошириш учун масъул;

пробация билан ҳамкорликда профилактик чораларни амалга ошириш учун масъул.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳасанов Ш. Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни олдини олиш профилактикаси //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 154-161.
2. Зиёдуллаев М. З. и др. Хоразм вилоятида ўғрилик жиноятларининг бугунги ҳолати ва уларнинг барвақт олдини олиш йўллари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 4-8.
3. Энциклопедия государства и права. Т. 3. – М.: МГУ, 1930. – С. 540.
4. Қурбонов Ш. Рецидив жиноятнинг асосий тушунчалари ва мазмуни //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 9/S. – С. 90-104.
5. Утевский Б.С. Преступность и рецидив // Современная преступность (преступление, пол, репрессия, рецидив). – М.: МГУ, 1927. – С. 32.
6. Юридический словарь. –М., 2005. –С.539.
7. Назаров Н. М. Ички ишлар органларининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 71-76.